

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**554 Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг  
тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш-  
лар ва қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1806-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қону-  
нига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги  
41-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1806, 2008 йил 12 май) (Ўзбекистон Рес-  
публикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 178-модда) би-  
лан тасдиқланган Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов  
қобилияти тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшим-  
ча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-  
ради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 27 октябрь,  
69-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2014 йил 27 октябрдаги  
69-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов  
қобилияти тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 18-банддаги «суғурта фаолияти, шунингдек суғурта фаолиятини таъ-  
минлашга йўналтирилган фаолиятни амалга оширадиган шўъба корхоналар»  
деган сўзлар «суғурта фаолияти, суғурта фаолиятини таъминлашга йўналти-  
рилган фаолиятни, шунингдек мулк ҳуқуқи асосида суғурталовчига (қайта  
суғурталовчига) тегишли бўлган хизмат биноларидан фойдаланиш бўйича  
фаолиятни амалга оширадиган шўъба корхоналар (шўъба хўжалик жамият-  
лари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 29-бандда:

биринчи хатбошидаги «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар «агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, суғурта фаолияти, суғурта фаолиятини таъминлашга йўналтирилган фаолиятни, шунингдек мулк ҳуқуқи асосида суғурталовчига (қайта суғурталовчига) тегишли бўлган хизмат биноларидан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган шўъба корхоналар (шўъба хўжалик жамиятлари) бундан мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши «, агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, суғурта фаолияти, суғурта фаолиятини таъминлашга йўналтирилган фаолиятни, шунингдек мулк ҳуқуқи асосида суғурталовчига (қайта суғурталовчига) тегишли бўлган хизмат биноларидан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган шўъба корхоналар (шўъба хўжалик жамиятлари) бундан мустасно.» деган сўзлар билан тўлдирилсин.